

## Оят нозил бўлгач...



09:00 / 29.10.2023 1749

Аллоҳ таоло Тавба сурасининг 80-оятида шундай деб марҳамат қилган:

رَفَعِي نَلَفَّ رَمَّ نَغَبَسْ مُمْ ل رَفَعْتَسَتْ ن إِمُمْ ل رَفَعْتَسَتْ اَلْ وَا مُمْ ل رَفَعْتَسَا  
نِ قِسْ اَفْلَمْ وِقْلَا ي ذَهَي اَلْ ل ل ا و ل و س ر و ل ل ل ا ب ا و ر ف ك م ن ا ب ك ل ذ م ل ل ل

«Улар учун истиғфор айтсанг ҳам ёки истиғфор айтмасанг ҳам (барибир). Агар улар учун етмиш марта истиғфор айтсанг ҳам, Аллоҳ уларни зинҳор мағфират қилмас. Бу уларнинг Аллоҳ ва Унинг Расулига куфр келтирганлари учундир. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас».

Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинадаги мунофиқларнинг каттаси бўлган Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг жанозасига боришдан ўзларини тўсган ҳазрати Умарга:

«Менга ихтиёр берилди. Бас, мен истиғфор айтишни танладим. Агар унинг ҳаққига етмиш мартадан кўпроқ истиғфор айтсам-у, Роббим уни кечирешини билганимда, кўпроқ истиғфор айтган бўлардим» дедилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Убай ибн Сулулнинг жанозасини ўқиб, унинг қабри тепасида истиғфор айтиб турганлар. Кейин у ердан қайтганларидан сўнг Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи

васалламга:

هَلْ يُسْرَرُونَ لَلْبَابِ أَوْ رَفَكَ مُنَّهِ إِيْرَبَقَ عِلَّعَ مُقَاتِ الْوَأَدْبَاتِ أَمْ مُنَّهِ دَحَّ عِلَّعَ لَصُتِ الْو  
نُوقِ سَأَفُ مُهْوَ أُوْتِ أَمْ وَ

«Ва ҳеч қачон улардан ўлган бирортасига ҳам (жаноза) намоз ўқима, қабри устида турма. Чунки улар Аллоҳга ва Унинг Расулига куфр келтирдилар ҳамда фосиқ ҳолларида ўлдилар». (Чунки, жаноза намозини ўқиш, бировнинг қабри устида туриш ўлган учун катта ҳурмат ва эъзоздир. Бу улкан ҳурмат ва эъзозни ҳақдор кишиларга қилиш керак. Мунофиқ ва фосиқлар бунга лойиқ эмаслар.) (Тавба сураси, 84-оят).

Шу оятдан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охиригача бирорта мунофиқнинг жанозасига бормадилар, қабри тепасида турмадилар ва улар учун истиғфор айтмадилар.

*Аллоҳ таоло бизни мунофиқликдан асраб, ихлосимизни зиёда этсин!*

***Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади.***